

ХУКУК

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи
йиғилишининг очилиши тўғрисида
Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши
2000 йил 11 февраль кuni эрталаб соат 10 да Тошкент
шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-
нинг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Респуб-
ликаси Саноатда ва кончилиқда ишларнинг беҳатар олиб борилиши-
ни назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончилиқда
ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига
айлантириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон
қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айланти-
риш тўғрисида»ги фармонлари матбуотда эълон қилинди.

СИЗДАН АЙИРМАСИН

Куйи эркалатган майсадай яйрар,
Исмингиздан кўнгул, сўзингиздан дон.
Туйгулар аршида ҳур булбул-сайрар,
Қаноти-садоқат, вужуди - иймон.

Олтин бешизингиз тебратмиш Ватан,
Тўлиб аллалаган тарихнинг ўзи.
Миллат тимсолига айланган жон-тан,
Сизга боқмаганининг қораймиш юзи.

Даҳолардан мерос тафаккур, гурур,
Юқини аждодлар ўнглаб кетганлар.
Сизни бошларида кўтаргайдир ҳур,
Ватан туйғусини англаб етганлар.

Не-не асрларни қаритиб, бардам,
Бошлайсиз илоҳий тенглик бағрига
Киргаймиз шонингиз тож қилиб, шаҳдам
Янги минг йилликлар кенгликларига.

Сиз билан келмоқда Мавлоно Жомий,
Устоз Абулайс, ҳам сайқал Самарқанд.
Баётингиз ташна дилларга ҳомий
«Хамса» - эзгуликнинг байроғи-баланд.

Сиз билан келмоқда довқур Бойқаро,
Лабиди кулгию, кўзида алам.
Ғазал мулки шра то шу кун аро,
Осафийлар ҳамон йўнмоқда қалам.

Чархи кажрафтор бу галма-галига,
Ҳақсизлик довоини забт этмаса йўл,
Сабоқ бергайдирсиз Дарвеш Алига
- Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл...

Олтин, нафс, мансабнинг мурдору манфур,
Қўтқусин енгмаган ҳар кас бир хасдур.
Баридан юксалиб дедингиз мазгур:
- Агар мен одам эрсам ушбу басдур...

Улуснинг тонларда йўл кўрар кўзи,
Шоҳлар, маликалар армонидирсиз.
Мангуликнинг мангу порлоқ юлдузи
Ғазал карвонининг сарбонидирсиз.

Абад Адолатга тутдим қалбимни,
Тилимда илтижо, дилимда ўтинч:
- Ҳаққа, ҳақиқатга ташна халқимни
Сиздан, Сиздайлардан айирмасин ҳеч...

Одил ХОТАМОВ

БУГҲН – БУЮК МУТАФАҚИР ШОИР ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҲН



«НАВОИЙДЕК БОБОМ БОР...»

Агар XV аср туркий адабиётини бўстонга қиёс этсак,
ушбу бўстон узра порлағувчи, зиё бахш этгувчи, куйи
янглиғ нур таратувчи юлдуз - бу улуг шoir, мутафаккир
ҳазрат Алишер Навоийдир. Ғазал мулкининг султони
қалбларни хайратга солувчи ижоди билан адабиёт май-
донида пайдо бўлди. Зеро, бу майдонга тиг кучи билан
эмас, балки қалам кучи билан, курашмоққа бел боғлаб
кириб келди мавлоно шoir.

«Эмас, осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ,
Керак шеър олдиди ҳам шеру жанги,
Агар шер ўлмаса, боре паланги».
Навоий ана шундай шеърининг султони бўлиб
танилди.

Улуг шoirдан бугунги кунда бизга жуда катта адабий
хазина мерос бўлиб қолди. Нуруний зотнинг бутун
фаолияти ва ижоди инсоннинг бахт-саодатига хизмат
қилувчи илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига
кўшилган бебаҳо хиссадир. Улуг шoir ўз ижодида
туркий тилининг нақадар бой ва сеҳрлилигини, чексиз
имкониятларини исбот этди.

Ҳазрат Навоий ўзининг барча шох асарларида ва-
танпарварлик, маърифатпарварлик, одиллик, ростлик,
ҳалоллик, диёнат, инсоф каби инсоний фазилатларни
улуглайди. Чин севиғи ва садоқатни қадрлайди. Золим
подшо, риёкор ва жохил руҳонийларни танқид қилиб,
одил шох ғоясини илгари суради.

Навоий мамлакат ва халқ тақдирини подшога боғ-
лайди. Агарда мамлакат шoхи одилу доно, илмли, оқил
бўлса, юрт обод ва тинч, халқ шоду хуррам яшай

олишини ўз асарларида талқин этади.

Шoхни иш адл ила бунёд этар,
«Адл бузуқ мулкни обод этар».

Навоий шoхларни адолатга, инсофу диёнатга қақира-
ди. Шoхни халқ билан бирга бўлишга ундайди. Ҳазрат
Навоий ўзининг шох асари «Хамса»да адолатли шох
сиймосини тўлиқ гавдалантиради. «Хамса»даги барча
дostonлар ушбу ғоя билан сугорилган. Хуусан, «Сафди
Искандарий» да улуг бобомиз орзу қилган адолатли шох
ғояси Искандар тимсолида улугланади. Навоий Искан-
дари ўз мамлакатда тинчлик ва адолат ўрнатади, халққа
енгиликлар беради.

Зеро, шеъринг даҳоси «Қаернинг шoхи одилу доно
бўлса, ўша юртнинг боғларида булбул сайрайди, ўша
юртнинг тулроғида зарлар унади, ўша юртнинг халқида
меҳр бўлади», дея такрор ва такрор куйлайди.

Чунки бу - ҳақиқат!
Шoir ушбу дoston орқали Искандарга ўхшаш подшо-
лар бўлишини орзу қилади. У шу ғоя остида ўз даврининг
ҳукмдорларига таъсир этмоқчи, уларни инсофу диёнат-
га, оқил адолатга қақирмоқчи бўлади.

Навоийнинг ушбу даъватлари, орзулари бугунги кун-
га келиб амалга ошмоқда, десак муболага бўлмайди.
Зероки, бугунги кунда юртимиз тинч, халқимиз фаровон
ҳаёт кечирмоқда. Чунки, Навоий, Адолат бўлган жойда
тараққиёт, илмга интилиш бор, дейди. Биз бахтли ав-
лодмиз, зеро, улуг бобомиз орзулари ҳақиқатга айла-
наётган буюк юртда яшайпмиз.

Завқиддин ОМОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

«ҲУҚУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари
«Қонун ҳимоясида»
журнали**Бош муҳаррир:****А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**Мэлс Наимов,
Бўритош Сайфуллаев,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исломов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин МамадалиевГазета Давлат матбуот
кўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи —
231, 232**Манзил:** Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34Таҳририятга келган кўлзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
ўчун муаллиф масъул.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси остида
чоп этилади.Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II 333-MMHz
компьютерига саҳифаланган.Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Саидов бажарган.Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.Буюртма Г-142
Нусхаси — 23045Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширилди 18.38Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади**Навбатчи**
Н.МАҲМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

КАСБИНИ ШАРАФ БИЛАНЛАРФуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунчилиكنи мустаҳкамлаш йўлида филойлик билан меҳнат қилаётган ходимларни прокуратура тизимида кўплаб учратиш мумкин. Ана шундайлардан бири Учқудуқ туманларо прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Облоқул Азимовдир.
Суратда: О.Азимов ходимлари билан навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**СОҒЛОМ АВЛОД ҚАЙҒУСИДА**Маълумки, инсоннинг келажаги қандай бўлишига, унинг ҳаётда муносиб ўрин топа олишига, ҳаттоки хулқ-атворининг шаклланишига ҳам у тарбия топган муҳит, аввалс, оила муҳити улкан таъсир кўрсатади. Оиланинг маънавий муҳити эса маълум маънода жамият қиёфасини белгилайди. Оила муҳитида эса аёл-она маънавияти беқиёс ўрин тутади. Инсоннинг маънавий қиёфаси ақсарият ҳолларда онанинг таъсирида шаклланади. Маънавий баркамол, соғлом аёлгина соғлом авлоднинг воғга етишида билвосита сабабчи бўла олади.
Демак, Оила — Аёл — Соғлом авлод.**ТАСАВВУР**
ЁХУД СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЙ
ҚИЁФАСИГА ЧИЗГИЛАР

Кўпинча, бирор кишини ижобий маънода таърифламоқчи бўлсак, маънавиятли инсон деймиз. Аксинча бўлса маънавиятсиз ёки гапимиз таъсирчанроқ чиксин десак, маънавий қашшоқ киши деб кўя қоламиз. Ҳўш, маънавиятли инсон деб қимни айтгамиз? Маънавиятнинг ўзи нима? Булар янги туғилган саволлар эмас, албатта.

Истиклолимизнинг дастлабки йиллариданоқ маънавият масаласи алоҳида эътиборга молик муаммо сифатида кўта-рилган эди. Бу борада кўп ишлар қилинди, ил-мий ва публицистик мақолалар ёзилди. Уларда маънавият тушунчасига, агар тушунча дейиш мумкин бўлса, жуда кўп таърифлар берилди. Таърифларнинг ҳар бири ҳам маълум маънода моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Умуман олганда, таърифга унчалик зарурат ҳам йўқ. Инсониятгагина хос бўлган барча ижобий номоддийликларни маънавият деб аташ мумкин. Бундан келиб чиқадики, мана шу ижобий номоддийликлардан бахраманд инсон маънавиятли инсондир. Улардан инсон қанча кўп бахраманд бўлса, унинг маънавий олами шунчалик бойиб бораверади.

Биз етмиш йил моддийликни билрамлади деб билган моддийчи-лар зулмини тортган миллатимиз (Бу икки авлод шаклланиши учун етарли мuddат). Маънавият ихтиламчи даражага тушириб юборилган у даврлар бу кун ўтмишга айланган. Лекин унинг асраги...
Шарқ Шарқ деб атала бошлабдики, маънавиятга моддийликдан кўра кўпроқ эътибор берилди. Шарқ халқлари вакили сифатида бизнинг аждодларимиз ҳам шу йўлни туттиган. Биз ҳам шу йўлдан борамиз. Ҳўртбошимиз 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб аташни таклиф этар экан, соғлом авлод қиёфасини таърифлаб, соғлом авлоднинг маънавияти юксак бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бугун юртимизда кечаётган жараён, маълум маънода жаҳолат ва маърифат ўртасидаги курашдан иборатки, охир оқибат бу жараён фикрий уйғонишга йўл очиси муқаррар. Бу эса миллат маънавияти

юксалишига бошловчи йўлдор.

Хар бир шахс, хар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, хар бир элат, миллат, минтақа ва халқнинг ўзига хос маънавияти бор. Орзуимиздаги соғлом авлоднинг маънавий қиёфасини қандай тасаввур қиламиз? Келинг, тасаввур қилишимизга кўлаб бўлсин учун, орзуимиздаги соғлом авлоднинг бир вакилини мисол тариқасида оламиз ва унинг маънавий қиёфасига чизги берамиз. Шу билан бирга мулоҳаза юрйтиб борамиз.

У соғлом оила муҳитида улғайган, уни маънавиятли она тарбиялаган.

Шундай бўлиши табиий, чунки маънавий қашшоқ онадан қандай қилиб соғлом авлод тарбиясини кутиш мумкин? Дунёқарашни тор, девордан нарэғини кўра олмайдиган, диний ва дунёвий билимлардан буткул бебаҳра, ҳаттоки ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳам билмайдиган аёл қандай қилиб баркамол инсонни тарбияласин?

Тасаввур қилишда давом эта-миз. У билим олишга ташна, дунёвий ва диний билимларни пухта эгаллашга бел болаган. Адабиёт, санъат... жони дили...

Лекин афсус, умумий таълим жараёни унинг талабига жавоб бермайди. Сабаби, бугунги ўрта мактаблардаги таълим жараёни мактаб-гулик эмас, бундан кўз юмиш кўп нарсани бой бериш демакдир. Тўғри, иқтидорлиларга эътибор кучли, махсус мактаблар, лицейлар очилган ва очилмоқда. Натижалар ҳам юқори. Лекин, менимча, энг аввало умумий таълимга эътиборни қучайтириш керак. Уларни малакали ўқитувчи кадрлар билан, ўқув қўлланмалари ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш каби вазифаларни асло орқага суриб бўлмайди.

Давом этамиз. У миллати тарихини яхши билади, унда миллий кадриятларга ҳурмат туйғуларни кучли. Хорижий тилларни ўргангани ҳолда, ўз она тилини ҳурмат қилади. Ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади.

Тарих фанини, шу жумладан, юртимиз тарихини ўқитишнинг аҳоли ҳақида қайғурмай гапиришининг

(Давоми 4-бетда).

ЖУРНААИСТ ТЕКШИРУВИ**ИШЛАШГА РЎКСАТ
БЕРИНГ!**

Кимдир кўлига қалам олиб шикоят хати ёзишга киришдимми, қайдадир бажарилиши лозим бўлган вазифа, масъуляти унутилган, қилиниши шарт бўлган бунор бажарилмаган. Адолатсизлик рўй берган. Назоқат Турдибоева томонидан ёзилган шикоят хати юзасидан журналист текшируви ўтказиш даврида шу ҳақда ўйладик.

Шикоят хати шундай бошланади: «1999 йил 21 октябр куни мени иккинчи марта ишдан бўшатишди. Менинг ишга тикланишимга ёрдам беришингизни сўрайман. Мен тиббиёт ходимиман. Менинг вазифам инсонларнинг руҳиятини асраб-авайлаш, соғлигини ҳимоя қилиш. Аммо мени ким ҳимоя қилади?»

Албатта, қонун. Бироқ қонуннинг ўзи ҳимояга муҳтож бўлиб қолса-чи? Шикоят хатидан маълум бўлишича, Н.Турдибоева 1994 йилдан буён Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва Гинекология илмий текшириш институтининг Оилани режалантириш бўлимида шифокорлик қилган. 1998 йил институтига янги раҳбар келади. Ҳамма можазлар ўшандан кейин бошланган. Шикоят хатидан яна бир иқтибос: «институтига янги раҳбар келди-ю... ҳамма масала ана шу раҳбар ўз атрофига «ўзиники»ларни тўллаш мақсадида «аттестация» ўтказишдан бошланди. Ҳеч қандай савол-жавоб бўлмаган аттестациядан менинг ўтмаганлигимни, бошқа иш топшим кераклигини айтишди. Бу ҳақсизликка чидамолган бўлсам-да, барибир ишлаб юрдим. Кейин, «Сен касалсан, яхшиши тезда бўшаб кет» деб очик айтишди».

Аслида уч марта — биринчи (штат қисқарганлиги сабабли) марта 1999 йил 3 феврал куни 55-сонли, иккинчи марта 1999 йил 1 март куни 92-сонли буйруқ билан Н.Турдибоева Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан, яъни «ҳодимнинг...соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойик бўлиб қолиши» сабабли ишдан бўшатилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси мазкур буйруқни атрофича текши-

риб чиқиб, 55, 92-сонли буйруқ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига энд равишда чиқарилганлигини аниқлайди ва протест келтиради. Келтирилган протест директор Ж.Қурбонов томонидан бажарилмаган, М.Улуғбек туман суди Тошкент шаҳар прокурори М.Наимовнинг аризасига муювофиқ ишни судда кўриб чиқиб, Ж.Қурбонов томонидан чиқарилган 55 ҳамда 92-сонли буйруқни гайриқонуний деб топди ва меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум қилинган Н.Турдибоевага 1999 йил 19 мартдан 1999 йил 23 июн кунига қадар ўзига боғлиқ бўлган ҳолда етказилган маънавий, моддий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини эълон қилди. 2 сентябр куни Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишларини кўриш бўйича судлов ҳайъати М.Улуғбек туман суди томонидан эълон қилинган ҳал қилув қарорини ўз кўчида қолдириш ва келтирилган қассадия шикоят хатини қаноатлантирмаддан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Шундай қилиб адолат қарор топди. Шунинг учун ҳам айтдилар: ҳақиқат эғлилади, аммо синмайди. Бироқ... унинг қаддини яна эғиб қўйсалар-чи?

Масалан мана бундай: Акушерлик ва Гинекология илмий текшириш институти директори Ж.Қурбонов 1999 йилнинг 21 октябрда Н.Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисида учинчи буйруқка имзо чеқди. Нима учун? Текширувда аниқланишича, Н.Турдибоевани ишдан бўшатиш зарурати қуйидаги асослардан келиб чиққан:

Н.Турдибоева институти тўғрисида кўрсатув қилаётган телевидение мухбирлари билан бўлган савол-
(Давоми 5-бетда).**МУАММО****НЕГА УН ТАНҚИС?**

Бундан икки-уч йил илгари вилоятда ун сероб эди. Ҳўжаликларнинг оморлари донга тўлиб турарди. Шунинг бир қисми аҳолига иш ҳақи ва муқофот сифатида бериларди. Томорқалардан ҳам тузуккина ҳосил олинарди.

Қишлоқ аҳли кўпчилигининг тўплаган буғдойи ҳеч бўлмаса қиш охиригача етарди. Шу боис дўқонларда ун турарди. Хоҳлаган пайтда топишингиз мумкин эди. Афсуски, ҳозир вазият бутунлай ўзгача.

Ўтган йили воҳада галла «занг» касаллигига чалиниб, бошқоқ тортмасданок қуриб кетди. Ақсарият ҳўжаликларда давлат буюртмасининг аранг эллик-олтмиш фоизи атрофида маҳсулот тайёрланди. Томорқаларга экилган дон ҳам касаллиқка чалиниб, ҳосил яхши бўлмади.

Пул топишга устамон айрим қаққонлар Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро томонлардан буғдойи ва ун олиб келиб сотишмоқда. Бозорларда бир килограмм буғдойнинг нархи 80-90 сўм, бир халта уннинг нархи эса 5500-6000 сўмга чиққан. Баъзи жойларда ҳатто бундан ҳам қиммат.

Айтмоқчиманки, олибсотарни йўқотган билан ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Муаммони ҳал этиш йўллари излаш зарур.

Тўғри, ун вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акционерлик компания-яси раҳбарияти (бошқарув раиси Расул Мардонов) томонидан тақсимланади. Эҳтимол, бу жаноблар ҳам «Биз борини тақсимлаб бера-ялпимиз», дея ўзларини оқлашга уринишар. У ҳолда бу муаммони ким ҳал этади? Шуниси аёнки, нима бўлганда ҳам аҳолини ун билан таъминлашни яхшилаш лозим.

Билишимизча, Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарорини ҳали ҳеч ким бекор қилмаган. У ҳақдан ўз кўчида. Унда аҳолининг зарур озик-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда ун билан узлуксиз таъминлаб туриш ўқтирилган. Демак, уни бажариш керак. Ёки сурхондорлик мутасадди раҳбарларга бу гапларнинг алоқаси йўқми?

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, судлар фаолиятини ихтисослаштириш энг долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда, биринчидан, транспорт судларини, иккинчидан, солиқ судларини, учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича қонунни қўллаш ва суд фаолиятини ўрганиб, амалиётга жорий қилиш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун жиной, фуқаролик, ҳўжалик, меҳнат, давлат бошқаруви ишлари ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ишлар бўйича ихтисослаштириш асосида суд тузилишини белгилаш лозим. Низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатларининг ва ҳўжалик судлари қарорларининг қонунийлиги ва асослигини назорат тартибиде текшириш бўйича судлов ҳайъатининг ҳўқуқий мақомини белгилаш судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутаети.

Одил судлов олдиға кўйилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, суд-ҳўқуқий ислохотларни амалға оширишда энг аввалло, унинг асосий йўналишларини белгилаб олиш муҳимдир. Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг моддий ва процессуал ҳўқуқлари асосида судларнинг одил судловни амалға оширишдаги мустақил ҳўқуқини таъминлашға одил ҳўқуқий ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; Иккинчидан, давлат механизмида суд ҳўқимияти мустақиллигини

этиш лозим. Хўжалик судларида маъмурий-ҳўқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни кўриб чиқиш бўйича судьяларни ихтисослаштириш ҳам ўзининг самарасини бериши мумкин. Бундай ихтисослаштириш хорижий ва ҳамдўстликдаги давлатлар тажрибасида ижобий натижага бераётганлиги аён. Маълумки, энг кам аҳамият беришдан муаммолардан бири бу суд социологисы ва суд психологисидир. Шунинг учун одил судлов амалиётида уларни қўллаш самарадорлигини ошириш ҳам кечиктириб

учун жавобгарликни кучайтириш, судьяларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш, суд ижрочилари, маслаҳатчилари ва суд котиб институтлари тизимини ислоҳ қилиш масалаларини кўриб чиқиш ҳам суд-ҳўқуқий ислохотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эға. Айниқса, суд қарорлари ижросига оид ҳозирги даврдаги ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш, унинг қонунчилик асосларини яратиб суд ижрочилари воқолатларини кенгайтириш талаб этилмоқда. Шу билан боғлиқ равишда, суд назорати институтини жорий этиш ўз навбатида суд мустақиллигини таъминлашға ҳам

мақсадида ҳўқуқшунос олим ва амалиётчи мутахассислардан иборат таркибда илмий-тадқиқот гуруҳини ташкил қилиш мақсадаға мурофиқдир. «Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик судлари ҳўқуқий мақоми ва келгусидаги истиқболлари» мавзусида илмий, амалий, таҳлилий йўналишда ишларнинг амалға оширилиши ҳўжалик судлари тизимини ислоҳ қилиш самарадорлигини таъминлашға хизмат қилади. Суд-ҳўқуқий ислохотларни амалға ошириш юзасидан тегишли рисола ва кўлланмаларни, хусусан, «Янги Ўзбекистоннинг юридик ҳаёти» ва «Хўқуқий жамият сари» (жамиятда ҳўқуқий маданиятни юк-

Ҳокимиятнинг тўлғақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунға бўйсунлишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиши керак.

Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мақомини кўтариш даркор. Суд ислохотини ўтказиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўривчи судьяларнинг ихтисослашувини амалға ошириш ва бу масалаларни ташкилий жўхатдан ҳал қилиш зарур.

(Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан).

СУД ИСЛОХОТИ:

ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

таъминлаш, жамиятда қонун устиворлиги ва аделат тантана қилишининг кафолатини яратиш, ўз фаолиятда қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақиллигини тўла таъминлаш;

Учинчидан, фуқароларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини суд иш юритишда ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг конститутивий ҳўқуқларини муҳофаза қилишға қатъий риоға этилишини кучайтириш;

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятиға ўтиш шароитида одил судловни амалға оширишда суд-ҳўқуқий статистикасига оид ахборотларни олиш эркинлигини ошириш объектив заруриятдир.

Суд-ҳўқуқий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига эътибор қаратиб, муайян чора-тадбирларни амалға ошириш талаб этилади.

Булар жумласига мамлакатимизда мустақил суд тизимининг ҳўқуқий асосларини такомиллаштириш, мансабдор шахсларнинг қонунчилик хатти-ҳаракатлари устидан судға мурожаат қилишнинг имкониятларини янада кенгайтириш, процессуал мажбурилов тусидаги суд назорати механизмлариини ишлаб чиқиш, судлар мустақиллигини ва улар фақат қонунға бўйсунлишининг кафолатли тизимини такомиллаштириш, халқаро тижорат судлари ва ҳақамлик судлари ҳўқуқий асосларини яратиш, судлов ҳўқуқий маданияти даражасини юксалтиришнинг амалий чораларини кўриш, иқтисодиёт тармоқларида юридик хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, судьялар ва суд ходимларини ихтимойий ҳимоялашнинг қўшимча кафолатлари, судларнинг моддий-техника таъминоти, судьяларни ихтисослаштиришни босқичма-босқич амалға ошириш кабилар кираети. Бундан ташқари, суд ҳокимияти органлари ва улар фаолиятини такомиллаштиришнинг йўналишларини аниқлаб олиш, жамиятнинг янги турдаги суд органларига эҳтиёжи ва талабини ўрганиш, минтакавий кассация судлари ёки туманлараро ҳўжалик судлари, ёхуд участка судларини ташкил этиш мақсадаға мурофиқлигини муҳокама қилиб энг мақбул ва асосланган тақлифларни ҳаётта тадбиқ этишини ҳал

2-мақола

бўлмайдиган вазифадир.

Суд-ҳўқуқий ислохотларни амалға ошириш талабларига жавоб бераётган қонун ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ҳозирги замон суд амалиёти тараққиёти учун ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимизда судлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг истиқболли даврини бошлаб бериши шубҳасиздир.

Суд-ҳўқуқий ислохотларнинг ҳозирги босқичида «Ўзбекистон Республикасининг тижорат судлари», «Ўзбекистон Республикасининг ҳақамлик судлари», «Ўзбекистон Республикасининг суд тизими», «Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари», «Ўзбекистон Республикаси судьялар мақоми», «Ўзбекистон Республикаси судьялари ва одил судлов идоралари ходимларини ихтимойий ҳимоя қилишнинг кафолатлари», «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий судлари», «Ўзбекистон Республикасининг халқаро тижорат судлари», «Ўзбекистон Республикасининг давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳўқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судға шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) «Ўзбекистон Республикаси судларини молиялаштириш», «Ўзбекистон Республикаси судларининг моддий-техника таъминоти», «Ўзбекистон Республикасининг давлат суд-экспертиза фаолияти», «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини ислоҳ қилиш миллий дастури», «Ўзбекистон Республикасининг жамоатчилик судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама мавзуси бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Маълумки, ҳўжалик судлари тез ривожланиб бораётган суд тармоғи бўлиб, унинг ҳўқуқий асосини алоҳида қонунда белгилашға ҳам зарурият пайдо бўлмоқда. Бундай қонунчилик тажрибаси хорижий давлатларда мавжуд. Шунингдек, судға ҳурматсизлик

шароит яратаети.

Фуқаролик жамиятиға ўтиш шароитида давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимиятлари воқолатларининг бир қисми нодавлат ташкилотларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши тан олинган. Шу сабабли жамоатчилик судларини ташкил қилишға ҳам эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда юридик соҳада, шу жумладан, суд-ҳўқуқий ислохотлар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, замон талабларига жавоб берадиган юрист мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида юридик амалиёт соҳалари бўйича ихтисослашган «Юридик академия» ташкил қилиш, муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари тизимини ислоҳ қилиш

салтириш миллий дастурини амалға ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар) китобларини ҳамда «Суд ҳўқуқий атам ва ибораларнинг изоҳли лугатини» тайёрлаб нашр этиш мамлакатимизда амалға оширилаётган ҳўқуқий ислохотлар жараёнидан хорижий давлат мутахассисларини хабардор қилишда ва судлов ишини давлат тилида юритишда ҳам муҳим ўрин тутаети.

Республикаимиз судьяларининг расмий нашри сифатида «Судья ва қонун» журналинини чиқариш ҳам мақсадаға мурофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги асосланган ҳулоса ва таъсияларнинг ишлаб чиқилиб амалиётта тадбиқ этилиши суд-ҳўқуқий ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

Шўхрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Олий ҳўжалик суднинг судьяси, юридик фанлари доктори

Internet ХАБАРЛАРИ

→ «Московский комсомолец» газетасининг муҳбири Дмитрий Холдовнинг ўлдирилгани Россияда анча-мунча шов-шувларға сабаб бўлган эди. Ниҳоят узок давом этган тергов иши ниҳоясига етказилган. Энди тергов материаллари судға оширилиши керак, акс ҳолда РФ Бош прокуратурасига бу жиноятни содир этишда айбланаётган барча шахсларни ооздиққа чиқаришға тўғри келаети.

→ Покистонда «ер-ер» типидеги янги ракета синовдан ўтказилди. Бу русумдаги ракета аэвалгиларидан нишонға юқори даражада аниқ уриши билан фарқ қилади.

→ Югославиянинг мудофаа вазир Павле Булатовичға ресторанлардан бирида суиқасд уюштирилди. Натижада оғир жароҳатланган вазир ҳаётдан кўз юмди. Қотил эса воқеа жойидан қочишға мурофиқ бўлган.

→ Ўтган ҳафтанин охирида 1995 йилда ҳўкумат расмининг ўринбосари Виктор Поляничконинг ўлдирилишида ҳамда Чеченистон ва Шимоллий Осетия чегараларида Бош штабининг колоннасини ўққа тутишда иштирок этганликда айбланаётган Россиядаги йirik жиноий тўдалардан бирининг раҳбари қўлга олинди.

→ Канаданин ҳарбий тарих музейи Гитлерға тегишли бўлган «Мерседес-Бенц» автомобилини сотиш истағида эканлигини билдирган. Ундан тушган маблағ музейнинг қурилаётган янги биносига сарфланиши кўзда тутилган.

→ Ўтган йилда НАТОнинг Югославияға қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлари натижасида 500 нафар тинч аҳоли қурбон бўлган, — дейилади халқаро ҳўқуқни муҳофаза қилиши ташкилоти — Human Rights Watchнинг маърузасида. Халқаро ҳўқуқшунослар НАТОни халқаро ҳўқуқни бузганликда айблар экан, жумладан, аҳоли учун тахликали вазиятларни вужудға келтирган, дейди. Аммо ҳисоботда альянсининг хизматчилари томонидан ҳарбий жиноятлар содир этилганлиги хусусида сўз юритилмаган.

→ Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областлари бўйича тергов изолятори бошлиғи Александр Курочкин ҳибсға олинди. Ҳозирча унга қўйилган айб исботланмаган бўлса-да, у йирик миқдорда пора олиш эвазига тергов қилинаётганларга мавжуд тартибни ўзгартириб, яхшироқ шароитлар яратиб берганликда гумон қилинмоқда.

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ БИСЁР...

Ешларға буюк имкониятлар эшиги очилди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби мамлакатларға бориб таҳсил олишдан ортиқ бахт бўлмас керак узбек йигит қизлари учун!

Халқи маърифатли, жаҳон илм-фани ва маданиятидан боҳабар мамлакатнинг равнақиға равнақ қуши-лавереди. Ўзбекистон ана шундай ривожланаётган давлатлар қаторига кираети. Ҳар қуни эрта тонгда бежиримгина кийинган, уқув даргоҳлари томон шошилиб кетаётган талабаларни кўриб ҳавас қиласиз. Уларнинг ҳар бирини юрак тўрида эзгу мақсадлари бисёр...

Фаргона Давлат университетининг ҳўқуқшунослик факультети 1991 йилда ташкил топган. Факултетнинг ҳозирги қундаги уқув жараени Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта мақсус таълим вазирлиги томонидан 1999 йил 2 июлдаги қарор билан тасдиқланган ҳўқуқ йўналишини учун муълалланган уқув режаси асосида ташкил қилинган. «Ҳўқуқшунос бўлиш - замонамизнинг энг иқтидорли йигит - қизларигагина насиб этмоқда» - деди факултет декани Йўлдошали аға Раҳимов. Уқини тамомлаган битирувчи талабаларға бакалавр малакали даражаси берилаети. Қундузги бўлим уқиш муддати 4 йил, сиртқи бўлимда эса 5 йил.

Билимға чанқоқ, интилувчан талабаларға 5 нафар юридик фанлар номзоли, 4 нафар катта уқитувчи, 6 нафар уқитувчилар таълим берадилар.



СОҒЛОМ АВЛОД ҚАЙҒУСИДА**СУҒ СЕНГА!****ТАСАВВУР****ЁХУД СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИГА ЧИЗГИЛАР***(Давоми. Бошланғичи 2-бетда).*

иложи йўқ. Ҳали ҳам тарихни ўрганишга европацентризм нуқтаи назаридан ёндошиш мумкин. Бундан ташқари баъзи дарслик китобларидан ханузгача синфийлик, синфий кураш назарияси уфуриб турибди.

Миллий кадриятлар масаласига ҳам тўхталмай иложим йўқ. Қадрият деганда инсоният учун кадр-қиммати бор нарсалар маъноси тушунилади. Қадриятни ҳам моддий ва маънавийга ажратибди. Маънавий кадриятларга муносабат билдириб, шуни айтиш мумкинки, кадриятларни доғма сифатида қабул қилиш керак эмас. Баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келиш мумкин, миллатимизга удум бўлиб қолган хурофот ва бидъатлар ҳам кадрият даражасига кўтариб қўйилмоқда. Масалан: турли маросимлар ва ҳ.к.

Она тилимиз ва хоржий тилларга бўлган бугунги муносабат ҳақида ҳам қунонмай гапирининг иложи йўқ. Давлатчилигимиз тарихида дастлаб форс, араб, яна форс, кейинроқ рус тилининг гегемонлиги туфайли иккинчи даражали тил маконига тушиб қолган туркий тилининг бир тармоғи-ўзбек тили жуда-ям бой тил. Лекин бунини ҳаммамиз ҳам тан ололмағимиз, баъзида. Оддий мисол келтирай, техника ўқув юрталарида ёки тиббиёт ўқув даргоҳларида ўқув қўлланмаларининг кўпчилиги рус тилида. Бунини майли, ҳатто ижтимоий фанлар бўйича ҳам ўзбек тилидаги қўлланмалар етарли эмас.

Баъзан ўйлаб қоламиз, компьютер дастурлари қанон ўзбекча бўлар экан деб. Ахир муҳим дастурчилар ичида ўзбеклар ҳам кўп-ку, қолаверса, уларнинг кўпчилиги хоржида ҳам таълим олиб келишапти. Ёшлар орасида чет тилларни ўрганишга иштиёқ кундан-кунга ортиб бораёпти. Тил билганлар рағбатлантириляпти. Бу тахсинга лойиқ. Хоржий тилларни қанча кўп билсак, шунча яхши. Лекин чет тилларга эътиборнинг кўчаиши она тили-

мизга эътиборнинг сусайиши эвазига бўлмасин-да. Пойтахтимизнинг баъзи бир кўчаларига дабдурустдан келиб қолган киши, менимча ўзининг ўзбек тили давлат тили макомига эга мамлакатнинг марказий шахрида эканлигини унутиб қўйса, ажабмас. Ола-чаллоқ ёзувлар, турли рекламалар орасидан ўзбекча сўзларни топиш қийин бу кўчалардан. Русча атамалардан қутулишга қийналиб турган бир пайтимизда инглиз тилига «-шўнғиш» бошланди. Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун ёшларимизда инглиз тили пулти, соддароқ айтсак, оғиш ҳолати сезилиб қолди. Буям бир муаммо келтириб чиқармайди, дейиш қийин.

Деярли ҳар куни кўп мартабала дуч келамиз, бир неча хоржий тили «сув қилиб» юрган, лекин ўзи тугилиб ўрган республиканинг давлат тилини умуман билмайдиган юртдошларимизга. Майли, улар бор иктидорини жаҳон тилларини ўрганишга сарфлаган, ўзбек тилини ўрганишга эса вақти, тўғрироғи ҳафсаласи бўлмагандир. Шундай дейимиз, лекин мана шундай юртдошларимизнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишининг сўниб қолганига ўзимиз ҳам сабабчи бўламиз. Чет тилларни ўргатиш учун очилган курсларнинг ҳисоби йўқ, яна таъкидлайман, бу тахсинга лойиқ, аммо давлат тилини ўргатувчи, тарғиб этувчи марказлар санокли. Бир пайтлар, адашмасам, бундан тўрт-беш йил илгари ойина жажон орқали «Ўзбек тилини ўрганиш» курсатуви мунтазам бериб борила эди. Тўғриси айтиш керак, жуда яхши ташаббус эди ўша курсатув. Бу курсатув бир вақтинг ўзида эҳтиёжга қараб ҳам ўзбек тилини ўрганувчиларга, ҳам рус тилини ўрганувчиларга хизмат қилар эди. Негадир, курсатув тўхтатиб қўйилди...

Китоб савдоси билан шугулланувчи бир танишим гапириб қолди: «Ўзбекча-русча лугатларга эҳтиёж

катта, лекин улар мижозлар талабига жавоб бермаёпти. Кўпинча, рус, корейс йигит-қизлар лугат сўраб келишади. «Лугат»ларни кўриб: «қачон ўзбекча-русча лугатни катта қилиб чиқарасизлар», деб қолишади».

Тасаввур қилишда давом этаемиз. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий онги юксак даражада. Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Бу жараёнларни кузатиб боради, мустақил таҳлил эта олади ва энг муҳими, бу жараёнларда иштирок этади. У ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билгани ҳолда бурч ва мажбуриятларини ҳам юракдан ҳис этади. Ватан олдидаги, миллат олдидаги, ота-она олдидаги ўз фарзандлик бурчини тўқис адо этишга астойдил интилади. Муулмон эканлигини ҳам унутмайди. Муулмонларгагина хос бўлган юксак одоб-ахлоқ, хайру саховат, меҳру-муруват, гуноҳлардан тийилиш унинг табиатида хос.

Бир дўстим менга «дин маънавиятга асос бўла олмайдми» деган эди. (Балки, гапида жон бордир. Лекин бу унинг фикри). Бунини жўнгина, лекин мантиқан кўриб чиқайлик. Маънавиятнинг асосий таркибий қисмини ахлоқ ташкил этади. Ахлоқ диннинг, хусусан ислом динининг асосий компонентларидан ҳисобланади. Демак, маънавиятнинг диний дунёқарашсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Хулоса келиб чиқади, маънавий баркамол авлод тарбиясида диннинг, диний эътиқоднинг аҳамияти катта. Шу ўринда диний тарбияга нега урга берялман? Ёшларни ислом мафқурасини ниҳоқ қилиб, ундан ўзи манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган турли тоифаларнинг таъсиридан сақлаб қолишда бундай тарбиянинг ҳам ўрни бекиёс.

Биз соғлом авлод маънавий қиёфасида кўра олган яна бир муҳим жиҳат - Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғусидир. Баъзи файласуфлар даъво қилганидек, Ватан туйғуси бу инстинкт эмас. Ватан туйғуси бу юксак онг, маънавий этиқлик маҳсулидир. Зеро, «Ватани севмок иймоландир».

Биз соғлом авлод маънавий қиёвасини тасаввур қилишга уришар эканмиз, фақатгина баъзи жиҳатларининг кўраолдик, ҳолос. Ҳали биз тасаввур этолмаган жиҳатлари қанча...

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Хуқук» муҳбири

Бахтиёр кун бўйи уйда ётиб зерикди. Шаҳарга чиқиб бIRON ресторанга кириб мириқиб дам олгиси келди. Аммо, чўнтагини қуруқлиги ёдига тушиб, кайфияти бузилди. Кейин кийинчи, ошхонадаги пичоқни қозғога ўради-да, ички чўнтагига солиб қўйди.

Катта кўчага чиқиб билан фикри яна катъийлашди. «Қандай бўлмасин пул топишим керак». Узоқда «Тико» енгил машинаси кўринди. Бахтиёр қўлини кўтариши билан такси йўл чеккасида тўхтади.

- Ака, сўрочна иш чиқиб қолди. «Уриқаси» мавзесига ташлаб қўйсангиз, - деди Бахтиёр.

Хайдовчи «ўтиринг» ишорасини қилди.

Хайдовчини гапга солиб манзилга етиб келганини ҳам билмай қолди. - Ука, мана манзилга етиб келдик, - деди хайдовчи машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Бахтиёрга қараб.

- Братан, гап бундай. Мана шу маҳаллада битта «братшакм» бор, шундан «соққа»ни оламан-да, яна қайтаман. Кейин Чилонзорга ташлаб қўйсиз. Ҳисоб-китобни ўша ерда қиламиз.

Бахтиёр машинадан тушди-ю, рўпарадаги бир уйнинг дарвозасини тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермагач, қўшни уйнинг эшигини қочди. У ердан ҳам ҳеч ким чиқмади. Бахтиёр ортига қайтди.

«ТИСО»ДА САЙР**ёхуқ Амнистия түғрайли озодликка чиқарилган йигит яна жиноятга қўл урганга ҳақида**

- Иш битдими, ука, - деди такси хайдовчиси унга қайрилиб қараркан. - Иш битди. Гап бундай, братан, - деди Бахтиёр, туйқудан қўлидаги пичоқни хайдовчининг бўйнига тираб. - Яшашдан умидинг бўлса, чўнтагиндагини чиқар.

Такси хайдовчиси қўриб кетди.

- Ука, ҳазиллашаёсизми...

- Мен ҳонинг ўртоғинг эмасман! - деди Бахтиёр.

Ноилжол сўнган такси хайдовчиси чўнтағидаги 4 минг сўм пулни чиқариб берди.

- Яна битта шартим бор. Бугун соат олтигача «Фарход» бозори ёнига 100 минг сўм пул олиб келмасанг, «Тико» автомашинанинг бошқа кўрмайсан. Туншундингми? - деди Бахтиёр вазоҳатли бир ҳолда.

Такси хайдовчиси вазиятнинг қалтислигини сезиб, жони омон қолганига шукр қилиб, машинадан тушиб уймага жўнади. Сўнг таниш-билишлари билан маслаҳатлашиб А.Икромов туман ИИБга ёрдам сўраб муружат қилди. «Ови» бароридан келган Бахтиёр Муталов эса бу вақтда «Тико»да шаҳар кезиб, қиларни сайр қилдириб юрарди. Милиция ходимларининг саёй-ҳаракатлари туфайли Бахтиёр «Фарход» бозори ёнидан ушланиб, қурол сифатида фойдаланган пичоғи тортиб олинди. Яқинда ушбу жиноят иши А.Икромов туман судида кўриб чиқилди. Бахтиёр Муталов судда ўз қилмиши учун жазосини олди.

Энди «кахрамони»мизнинг таржамани ҳоли ҳақида бир оғиз сўз. У 1971 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Уйланиб ажрашган, ҳеч қаерда ишламайди. Илгари судланган.

Бахтиёрнинг тақдир билан ҳеч ким қизиқиб кўрмаган. У 1995 йил А.Икромов туман суди ҳукми билан 8 йил озодликдан маҳрум қилинган. Президентнинг 1999 йил 30 апрелдаги «9 мазонди Хотира ва Қадрлар кўни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармони-нинг 2-моддаси қўлланилиб, жазони ўташдан озод қилинган. Афсуски, Бахтиёр ишончини оқламади ва бундай имкониятни ҳам бекор қилди.

Дилшод ПАРДАЕВ,
А.Икромов туман прокурорининг катта ёрдамчиси**ЭССИЗ, АЁЛ!**

дий жиҳатдан қийналаётганлигини айтдим. Номаълум киши «менда наркотик модда» — герон бор, хоҳласанг сенга арзон нарҳда сотаман, уни ўтказса оланг, яхшигина пул ишлаб олсан», деди. Мен унинг таклифига рози бўлдим. Иккалаимиз соат 20 ларда ушбу бекатда учрашадиган бўлдик.

Шундан сўнг уйга қайтиб келдим-да, ҳеч кимга билдирмасдан 300 АҚШ долларини олиб чиқиб кетдим. Белгиланган вақтда келсам, халиги киши мени қўлиб турган экан. Унга 300 АҚШ долларини бердим. У пулни олгач, оқ целлофан халтачага ўралган кукунсимон нарсани менга берди. Уйга қайтиб келгач,

целлофан халтачадаги моддани яқин атрофдаги даракхлар остига қўриб қўйдим.

Кейин бозорда савдо-сотиқ қиладиган танишим — Лолашон оладан насияга бир нечта аёллар гамаши ва пайпоқларини олиб ўйга келтириб қўйдим. Эртаси куни уйдагаларга Россияга кетаялман, дедим ва кўкатлар остига қўмиб қўйилган целлофан халтачани олиб, йўлга чиқдим. Таксилар турадиган жойга келиб, Бишкекда кетаётган «Жигули» хайдовчиси билан савдоллашиб, юк халталарини ва «қора дори» солинган қора рангли «Maripjis» сумкамни юкхонага жойлаштирдик. Машинада бир аёл икки нафар ўғли билан ўтирган

эди. Йўлга чиқдик. Андижон вилояти орқали Қирғизистон Республикасига ўтиб кетаётганимизда «Маданият» божхона постидида машинани тўхтатишди...

1999 йил, 18 июн. Божхона постидида одатий юмушлар. Чеградан ўтиб-қайтаётган транспорт воситалари, йўловчилар текширувдан ўтказилмоқда. Навбат Қирғизистон Републи-

каси фуқаросига тегишли, давлат рақами О 6777 К рақамли автомашинасига келди. Машинанинг, хайдовчининг, йўловчиларнинг ҳужжатлари жойида. Хайдовчидан юкхонани очиб талаб этилди. Шу пайтдан бошлаб Қўн-дўзнинг тинчи бузилди. Юк халталари божхона ходимлари томонидан бирма-бир кўздан кечирила бошланди.

Божхоначилардан бири «Maripjis» ёзувли сумкани қўлга олган эди ҳам-ки, Қўн-дўз божхоначининг қўлларига ёпишди. — Илтмос, уни очмасангиз, ички кийимларим бор!

Божхоначилар аёлни бекорга ташвишланмасликни уқтиришиб, ҳолис гувоҳлар

сифатида икки нафар аёлни қақриб келишди. Сумкадаги нарсалар кўздан кечирил-лаётганда аёллар гамаши аёлни солиб қўйилган целлофан халтача топилди. Оқ рангли кукунсимон модданинг гивеванд модда эканлиги маълум эди. Божхоначилар билдики, аёл бекорга ташвишланмаётган экан.

Ушбу ҳаракатлари билан Қ.Асилбоева Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246—моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбланиб қамоққа олинди.

Суд-кимёвий экспертизасининг берган маълумоти қараганда, Қўн-дўз Асилбоеванинг сумкасида топилган пул модда соф вазни 88 грамм бўлган геронин моддаси экан. Жиноят ишини қўриб чиққан Хўжабод туман суди Асилбоева Қўн-дўз ЖКнинг тегишли моддалари билан айблаган ҳолда, мол-мулкни давлат фойдасига мусодара этиб, 13 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ойбек КАРИМОВ,
Андижон вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси, I даражали юрист

Маълумки, терроризм ва гивеванд моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жиноятлариға қарши нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳон миқёсида ҳам қатъий кураш олиб борилмоқда. Бир-бири билан ўзаро алоқадор маъмур жиноятларга қарши кураш кучайтирилган сари уларни амалга оширишда турли хил воситалар ишга солинмоқда. Масалан, кўпинча бундай жижанч ишларга аёллар ва боғга етмаган болалар жалб этилаётти. Шу ўринда бир нарсга эътибор қаратиш лозим.

Боғга етмаганлар содир этган ҳаракатларининг оқибатларини тўла тушуниб етмас, аммо оқ-қорани яхши таниган хотин-қизлар-чи? Бундай хатарли йўлдан юришга уларни нима маж-бур этмоқда?

Олиб бориладиган тергов ҳаракатлари давомида ва жиноятлар таҳлили натижасида шу нарсга маълум бўлмоқдаки, жиноятларнинг аксарияти ҳеч қаерда ишламайдиган ёхуқ осон йўл билан пул топишга қарор қилган шахслар томонидан содир этилаётти. Қуйида берилаётган мақола бунинг оддий бир исботи, ҳолос.

Қирғизистон Республикасининг ўш шаҳрида яшовчи эндигина 26 ёшли қаршилана Қўн-дўз Асилбоева (исм-шарифлар ўзгариштирилган) икки нафар фарзандини боғга етказиб, эл қатори тинчгина яшаб келаётган эди. Аммо, кейинги пайтларда унинг эл қатори ярағиси келмай қолди. Кўпроқ пул топиб, орзу-истакларига сарф этиш хаёли унга тинчлик бермай қўяди. Ва Қўн-дўз ўйлай-ўйлай бунинг йўлини топгандай бўлди. У гивевандлик моддаларини сотиш орқали жарақ-жарақ пул ишлаш мумкин бўлган осон, бироқ хатарли ишга қўл уришга жазм этади. Аммо, «иш»ни бошлай олмай унинг боши

қотади. Ахир «қора дори»ни «алока» бўлмаса топиш осонмас-да. У кошки эди поллизда пишиб ётган хандалак ёки дўконларда сотиладиган матоҳ бўлса! Лекин Қўн-дўз топгунча тиниб-тинчимай ва охири унинг йўлини топди.

«1999 йилнинг 3 июн куни уйдагалар билан жанжаллашиб қолдим. Юрагим сиқилиб, айланиб келиш учун ўш шаҳрига яқин бўлган 35 адир қишлоғига бордим. Автобус бекатида турганимда 35-40 ёшлар атрофидидаги, соқол-мўйлови қўриқиб кетган тожик миллатига мансуб бир киши келиб, мендан нима учун хаф бўлиб турганимни сўради. Мен унга икки нафар фарзандим борлигини, мод-

(Давоми. Бошланғи 2-бетда).
жавобда «Касал бўлсанг, ҳеч кимга керак бўлмай қоларкансан» дейди. Чунки ўша пайтлар Н. Турдибоевани ишдан қайта туғрисидаги масала маъмурият томонидан муҳокама қилинаётган эди. Ва у кишининг айтган мазкур сўзи «ўлганнинг устига тепган» деганидек, бир гап бўлиб тушди. Албатта, бу масаланинг бир томони, — у томони эса: директор Ж. Қурбонов Н. Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисида иккита буйруққа имзо чекиб ҳам, уни ишдан ҳайдолмаганлиги;

Иккинчидан, Тошкент шаҳар прокуратураси аралашуви билан М. Улугбек туман суди Ж.Қурбоновнинг Н. Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқларини файриқонуний деб топиб, уни ишга қайта тиклаганилиги ва бу ҳолат унинг обрўсига путур етказганилиги - директор Ж. Қурбоновни қандай йўл билан бўлмасин учинчи буйруқни эълон қилишга мажбур қилган қўриқнади. Негаки, Н. Турдибоеванинг иш фаолиятдан камчилик аниқланмасдан бурун уни МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-банди билан ишдан бўшатиш тўғрисида «номер» сиз буйруқ тайёрлаб қўйилган.

Хўш, нимага учинчи буйруқ «номер» қўймасдан тайёрланди? Мазкур саволга жавоб топиш мақсадида директор Ж. Қурбоновнинг ҳузурда бўлиб сўрасак, деди:

«Бу пирказ ўйинчқ эмас. Бу хотин бизни судга олиб борган. Унинг эри ўша ерда ишлашнинг инобатга олиб суд унинг ёнини олган. Шунинг учун пирказ тайёрлашга пирказ берилган.

«Бу буйруқ анча олдинроқ тайёрланган, шекилли?»

«Илгарироқ тайёрланган! Нимага илгарироқ тайёрланган? Биринчидан, Министрствоза эрдохроранендан комиссия келган. Комиссия келганда бизлар иккаламизни, иккаламизни, бутун администрация билан, институт ходимлари билан, олдиди сўз берди Турдибоева. «Мен бошқа ёзиш-чишиларни ташлаيمان» деб. Комиссиянинг резултатини кўрган бўлсангиз керак. Комиссия айтганки, жит миру дўрунда деган. Бу аёлнинг эри милицияда ишлашни биллиб туриб, биз қончиликни бузиб ёмон пирказ чиқаришимиз керакми яна. Шунинг учун бу пирказ астойдил тайёрланган.

Бу жавобни мана бундай тушуни ҳам мумкин: Н. Турдибоевани ишдан бўшатишга институтда «астойдил тайёрларлик» қўрилган. Иккинчидан, тайёрлаб қўйилган буйруқ Н. Турдибоевандан «тушунтириш хати» олингандан сўнг эълон қилинишимиз лозим бўлган;

Учинчидан, агар ўз ниятларига етолмасалар, буйруқ эълон қилиш муддатини кечиктириб туриш мумкин бўлган ҳолда тайёрланган.

Н. Турдибоева улар кутган кунда «тушунтириш хати»ни берди. Уни Ойлана режалаштириш бўлими бошлиғи - Н. Турдибоеванинг бевосита раҳбари М. Ким ёздириб олди. Шикоят-аризадан бир иктибос: «21 октябр куни иккинчи сменага ишга бордим. М. Ким мендан ялғиниб ёлғорди, «тушунтириш хати» ёзиб беришимни илтимос қилди. Нима деб ёзайин, десам, ҳаммаси яхши бўлди-ку, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан келган комиссия ҳам сени юрист томонидан ноҳақ текширилганини исботлаб берди-ку. Сеннинг иш фаолиятингни раҳбариятга мактаган. Энди иш фаолиятинг яхшилиги, келажакда ҳам яхши ишлашини тўғрисида ёзиб бер, деди. Мен кимга керак экан, десам, Касаба уюшмасига керак, деди. Мен ёзиб бердим».

21 октябр куни Акушерлик ва Гинекология илмий текшириш институт маъмурияти мақсадига эриштиди: Н. Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни эълон қилди. Ва тайёрланган учинчи буйруқнинг сони ҳам қўйилди: «408».

Кадрлар бўлими бошлиғи С. Мирсағатовдан: «Нима учун буйруқларнинг ҳаммаси машинкада

ёзилган ва буйруқ сони ҳам тўғри қўйилган. Н. Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа келиб, буйруқ «номер» қўйилмасдан компьютерда тайёрланган, сони эса рўқчада ёзилган? - деб сўрасак, деди: «Мен буни айтганман. Улар бўлаверди дейишди». Кейин у киши бироз тараддуланиб туриб, машиначи меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли компьютерда ёзилганлигини айтди. Машинкачининг қачон меҳнат таътилига чиққанлиги тўғрисидаги буйруқни кўрсатишини сўраганимизда, «машинкачи ўша куни (21 октябр куни назарда тутиляпти) ишга келмаган» деди.

Ха, 408-сонли буйруқ кутилган кунда эълон қилинди. Буйруқда асос сифатида келтирилган ҳолатни ўқийлик: «Турдибоева Назоқат Жаънонова, врач акушер-гинеколог

бўлим бошлиғи М. Кимдан сўраб билаётган вақтида бу ҳақда хабар топган.

Институт юрист маслаҳатчисига шундай харақати амалга ошириш ваколати берилганми? Вазиляр Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги» Низомда юрист-хизматчиларга бундай ваколат берилмаган. Бундан ташқари, 1999 йил 1 март куни Т. Раҳматуллаеванинг институт директори Ж. Қурбонов билан тузилган «меҳнат шартнома»да ҳам бундай ваколат йўқ. Демак, БИРИНЧИДАН, Т. Раҳматуллаеванин асос сифатида келтирилган ҳолатни ўқийлик: «Турдибоева Назоқат Жаънонова, врач акушер-гинеколог

лигини текширишга топшириқ берилганман.

Маълум бўлишича, Акушерлик ва Гинекология илмий текшириш институтда 779 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг ишга қачон келиб, қачон кетаётганлигини назорат қилиб боришининг ўзи масъулиятли вазифа. Ҳеч кимга сир эмаски, мазкур вазифани бажариш барча ташкилотларда кадрлар бўлимига юклатилган. Назаримда, бу вазифа мазкур институтда ҳам кадрлар бўлими зиммасида. Бироқ ёлғиз Н. Турдибоеванинг ишга келиб-кетишини назорат қилиш юрист-маслаҳатчи Т. Раҳматуллаевани юклатилган. Ж. Қурбонов мазкур буйруғи орқали МКнинг 6-моддасини қўпол равишда бузган: меҳнат муносабатларида Н. Турдибоева ҳам тенг ҳуқуққа эга эканлиги камситилган.

нинг 1-ўринбосари Д. Асадов институтга И. Дудукина, А. Сархунова ва В. Ашуровдан иборат комиссия юборди. Комиссия институтда текшириш ўтказиб, 14 октябр куни институт раҳбари ва маъмуриятга жамоа орасида маънавий, тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган тегишли тавсияларни бериб қайтади. Шу муносабат билан, 15 октябр куни эрталаб институтнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтган. Бироқ умумий йиғилишда Н. Турдибоевани ишдан бўшатиш тўғрисида ҳеч бир гап-сўз бўлмаган. 18 октябр куни 15 октябр кунги умумий йиғилиш баённомаси ва «акт» (суд музокаралари даврида боз врач Подпорокено 15 октябр кунги мажлисда йўқ эдим, деди. Аммо мазкур актга имзо чеккан) билан Н. Турдибоевани ишдан бўшатишга рўқсат сўраб Касаба уюшмаси раиси Л. Захаровага «Представление» юборилади. Унга 10 та ҳужжат илова қилинган. Мазкур ҳужжатлар ичида 15 октябр кунги умумий йиғилиш баённомаси ва Н. Турдибоеванинг 21 октябр куни ёзиб берган «тушунтириш хати» (21 октябр куни М. Ким томонидан алдаб ёздириб олинган «тушунтириш хати» 18 октябр куни юборилган)нинг нусхаси юборилади. Ва 21 октябр куни тушдан кейин Касаба уюшмаси аъзолари Н. Турдибоевани қақришиб ишдан бўшатишганлигини маълум қилишиб, қўлга «номерсиз» буйруқни беришади.

ИШДАГИ РЎҚСАТ БЕРИШ

отделения «Планирование семьи» 21 сентябрь с. г. рабоче время оскрбила юристконсульта Рахматуллаевой Т. К. при исполнении ею своих обязанностей, чем нарушила пункт 1. 6. 5. Правил внутреннего трудового распорядка НИИ АИГ»

Хўш, Н. Турдибоевани Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-банди билан ишдан бўшатишга шу асос ҳисобланадими? Моддани ўқиймиз: «3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганилиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такоран интизомий хилоф ноҳуя харақат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади» (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-банди)

Н. Турдибоева томонидан меҳнат интизомни мунтазам равишда бузилган деб ҳисоблашимиз учун, у киши ўз меҳнат вазифасига боғлиқ равишда меҳнат интизомини бузган бўлиши керак (МКнинг юқориди моддаси айнан шуни талаб қилади). Хўш, Н. Турдибоеванинг хатти-харақатида шундай ҳолат мавжудми? Демак, 21 сентябр кунги воқеага қайтиш жоиз. Хўш, Н. Турдибоева билан юрист - маслаҳатчи Т. Раҳматуллаева ўртасида нима бўлганди? Т. Раҳматуллаеванинг директор Ж. Қурбонов номига ёзган «рапорти»дан бир иктибос: «Довожу до вашего сведения, что 21. 09. 99 г. при исполнении мною своих служебных обязанностей...» Т. Раҳматуллаева юрист - маслаҳатчи сифатида қандай вазифасини бажараятган вақтида Н. Турдибоева унинг харақатларига тўсқинлик қилди? Текшириш даврида аниқланганлиги, юрист - маслаҳатчи Т. Раҳматуллаева Н. Турдибоевага тегишли бўлган беморларни қабул қилиш (регистрация) дафтарини текширган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса, Н. Турдибоевага тегишли бўлган беморларни қабул қилиш дафтари (бу дафтар муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бундан кейин уни ҳужжат деб келтираемиз) ни юрист - маслаҳатчи ҳужжатни эгасининг рўқсатиди олиб кетган ва текширган. Бундан Н. Турдибоеванинг хабари ҳам бўлмаган. Т. Раҳматуллаева ҳужжат текшириб бўлиб, қайтариб олиб келгандан кейин ҳужжатда тушунмаган «ташхислар»ни

нади (фақатгина комиссия таркибидан ташқари ҳолатларда);

ИККИНЧИДАН, Т. Раҳматуллаева ўз ваколати доирасида харақат қилганда 21 сентябр кунги мижорлар келиб чиқмаган бўларди. Демак, 21 сентябр кунги воқеанинг айбодори Т. Раҳматуллаевадир. Бироқ институт маъмурияти томонидан юрист - маслаҳатчи Т. Раҳматуллаевага ўз хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб қилган харақати учун ҳеч бир таъсир чораси қўлланилмаган.

Зеро, буйруқда асос сифатида келтирилган юқориди сабаб Н. Турдибоевани МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига мувофиқ ишдан бўшатишга сабаб бўлолмайди. Негаки, 21 сентябр кунги мижора Н. Турдибоеванинг меҳнат вазифаси доирасидан ташқари ҳолатдадир. Бироқ институт Касаба уюшмаси аъзолари 30 сентябр куни Н. Турдибоеванинг масаласини Т. Раҳматуллаеванинг «рапорт»ига мувофиқ муҳокама қилган. Шунингдек, Т. Раҳматуллаева ҳамда Н. Турдибоеванинг даъво аризаси асосида туман суди ҳар иккисини ҳам маъмурий тартибда жазога тортган. Лекин нима учундир 16 декабр куни (Н. Турдибоеванинг учинчи буйруқни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси асосидан туман судида музокаралар олиб борилаётган бир вақтда) мазкур маъмурий жавобгарликнинг Т. Раҳматуллаевага тегишли қисми М. Улугбек туман судининг расиси Т. Тиллаева томонидан олиб ташланган.

Журналист текшируви даврида Ж. Қурбоновдан Т. Раҳматуллаева томонидан Н. Турдибоеванинг беморларни қабул қилиш ҳужжатини файриқонуний равишда нима учун текширилганини сўрасак, деди:

«Агар мен топшириқ берсам, текширади. Текширдан у даволлаш сифатини эмас, балки бир кунда қанча одамни қабул қилганини текширади.

«Шу пайтгача юрист сизнинг топширигингизга биноан неча кишини дафтарини текширувда ўтказди?»

«Вазирнинг буйруғи бўйича бизда комиссия бор. Приказ билан шу комиссия билан бирга текширади.

«Ёлғиз ўзи буйруқсиз текширади?»

«Мен топшириқ берсам текширади.

«Ёлғиз ўзига неча кишини текшириш тўғрисида шу пайтгача топшириқ бердингиз?»

«Фақат Турдибоевани бир марта текширишга, ўшандаям дафтарини эмас, ишга вақтида келиш-келмас-

лиги Н. Турдибоеванинг шикоят хатини ўқийда давом этамиз: «1999 йил 14 сентябр куни олдимга бир ёш оила кириб келиб, бизни сизнинг олдингизга яхши доктор деб юборди. Илтимос, қанча пул олсангиз олинг, лекин бизни даволанг, деб ялина бошлади. Бу воқеадан бўлим бошлиғи М. Ким ҳам хабардор. Менинг энд қўрқиб кетганим, уларнинг шу куни директор хонасидан чиқиб келаётгани бўлди. Кейин эртаси куни бўлган воқеани Соғлиқни сақлаш вазирига айтиш мақсадида қабул қилдим. Ишга кечикиб боришимни айтиб қўйдим, деб йўлда ишхонага телефон қилдим. Ҳеч ким телефонни олмади. Шунинг учун 15 сентябр куни ишга 40 дақиқа кечикиб келдим».

Шундай қилиб, Н. Турдибоева 15 сентябр куни ишга кечикиб келгани - меҳнат интизомини (буйруқда «1 соат» дейилган)бузганлиги учун бўлим бошлиғи М. Кимнинг «рапорт» ига мувофиқ 28 сентябр куни Ж. Қурбонов унинг сентябр ойидаги ойлик маошига 20 фоиз миқдорда жарима солиш тўғрисидаги 375-сонли буйруққа имзо чекади.

Бўлим бошлиғи М. Ким билан учрашиб, Н. Турдибоеванинг ишга кечикиб келганлиги тўғрисида ёзиб берган «рапорт»ни хусусида сўрагандик, деди: «Мендан юрист абедада «Бугун Н. Турдибоева ишга кечикиб келди» деб сўради. Мен «Хадедим. «Рапорт»ингиз қани?» деб сўради. Кейин мен ёзиб бердим. Мана сизга институтда ходимларнинг ишлаш жараёни. Демак айтиш мумкинки, «астойдил тайёрларлик» ўз натижасини берди: Н. Турдибоева 15 сентябр куни ишга кечикиб келди.

Хар бир фўқроқ ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширади. Ўз ҳуқуқидан фойдаланмаслик жавобгарликка сабаб бўлмайди. Шундай экан, фўқроқ ўз ҳуқуқига тегишли бироқ-бир воқеа ёки ҳолат юзасидан муайян харақат ёки харақатсизликни амалга ошириши, оширмаслиги ҳам унинг шахсини ишидир. Суд Н. Турдибоева 15 сентябр куни ёзган «тушунтириш хати»да «Ўз шахсий ишми билан кечикдим» деб ёзганлиги учун бироқлар интизомий жавобгарликни асосли деб ҳисоблайди. Хўш, Н. Турдибоева 15 сентябр куни нега ишга кечикди? Бўлим бошлиғи М. Кимнинг «рапорт»идан бир иктибос: «...была в Минздрав по личному делу...» Демак, Н. Турдибоева Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлган.

Н. Турдибоеванинг аризасига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазир-

Шу ерда нукта қўймоқчи эдик.

Бироқ Н. Турдибоеванинг даъво аризаси асосидан М. Улугбек туман судида фуқаролик иши қўзғатилган, суд музокаралар олиб борилаётганлиги боис маколани чоп этишни тўхтатиб туришни лозим топдик. Нихоят, 2000 йил 20 январ куни, салкам икки ойга чўзилган суд музокараларидан сўнг, туман суди судьяси М. Отажоновна расиллиқда Н. Турдибоеванинг даъво талабларини РАД этиш тўғрисидаги Ҳал қилув қарорини эълон қилди. Биз суднинг қарорига бирон бир муносабат билдириш фикридан йирокми эдик. Чунки 1999 йил икон ойда Мирзо Улугбек туман судининг бир судьяси Н. Турдибоевани ишга тиклаш ва унга етказилган зарарни ундириб бериш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқармоқда. Институт директорининг унчага бийойдек ишлатиб турган бир шифокорни ишдан бўшатишга «қаттиқ қиришгани»да қандай маъносиз бўлса, бир туман суди икки судьясининг ҳулосалари ўртасидаги фарқда ҳам ана шундай мантиқ бор. Судья М. Отажоновна адолатли ҳукм чиқарганим, демак, бундан етти ой илгарини Н. Турдибоевани ишга тиклашга бош қўшган ҳуқуқшунослар энди «жавоб» беришлари керак. Гап унда эмас, бугунда деганларидек бу ерда ҳам ҳамма гап Н. Турдибоевани ишга 40 минут кеч қолгани еки ташкилот юристига қўполлик қилганда эмас, балки уни атрофидагиларга «ноқулай» бўлиб қолганда.

Кимдир: Суд амалиётида судьяларнинг бир масала юзасидан турли-хулосалар чиқариши бўлиб келган ва бундан кейин ҳам бўлаверди, дейиши мумкин. Лекин энди фуқароларни суд идораларида ойлаб сарсон қиладиган бундай амалиётга барҳам бериш пайти келмади-микан?! Чунки Президентиимиз Ислам Каримов иккинчи қақриқ Республика Олий Мақлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида суд - ҳуқуқ соҳасидаги вазифаларга тўхталиб «одил судловни амалга ошириш сифати ва теқзорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлаш» ҳақида гапирганларида юқоридаги каби аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган амалиётга барҳам беришни назарда тутган эди.

Шавқиддин ҒАНИЕВ,
«Хуқуқ»нинг махсус муҳбири

ТАХРИРИЯТ ХАТҚУТИСИДАН

1999 йилда тахририят 400 дан ортиқ хат олди. Улар умид билан битилган мактублар, ишонч билан ёзилган дил сўзлари, муносабат ва тақлифлар, шикоят ва аризалардир. Албатта, ҳеч бир хат, ариза ва шикоят эътиборсиз қолмади. Шикоят ва аризаларни ҳал этиш учун имконият даражасида, баҳоли кудрат қўлимиздан келган чораларни қўришга ҳаракат қилдик.

Бир қанча шикоят ва аризалар бўйича журналист суриштируви ўтказишга тўғри келди. Шундай суриштирувлардан бири юзасида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

қилган ва уларни аллақачон ўзлаштирган кимсалар эса нима қилишга ҳайрон.

Биз ўз иш ҳақимизни олиш учун кўплаб ташкилотларга мурожаат этдик, ҳеч қандай жавоб ололмадик...

Бу хатни текшириш учун тегишли жойга жўнатишга улгурмай туриб, айнан шу ҳўжаликнинг 3-бригадаси ишчиси Эшболта Ражабовлар оила-сидан ҳам худди шундай мазмунда шикоят хати олди. Унда таъкидланганича, Э.Ражабовнинг кўпдан буюн иш ҳақларини ололмаётганликлари ҳақида турли юқори ташкилотларга

байнида бир сўм ҳам ёрдам пули берилмаган. Шу давр ичида унга атиги 780 сўмлик маҳсулот берилган, холос. Ваҳоланки, ҳўжалигининг ундан роғпа-роса 12 минг 356 сўм қарзи бор.

Аммо, бошқарув раҳбарлари бунга нима дейдилар. Шу ўринда жамоа ҳўжалиги бошқарувининг муҳбиримизга ёзма равишда берган маълумотномасига бир назар ташласак:

«...ҳўжаликнинг 1999 йил 1 январ ҳолатида ташкилотлардан дебитор қарзи 6956 минг сўм, кредитор қарзи 49629 минг сўм, ишчилардан 23464 минг сўм қарзи мавжуд бўлган.

1999 йилнинг 1 октябрга ташкилотлардан дебитор қарзи 11782 минг сўм, кредитор қарзи 46067 сўм, ишчилардан иш ҳақлида қарзи 14 809 минг сўм, шундан мuddати ўтган қарзлар 5443 минг сўмни ташкил қилади».

Эшболта Ражабовнинг шикоят-

«ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁГМАСИН...»

1999 йил 27 сентябрда тахририятга Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани, «Хўжайпоқ» жамоа ҳўжалиги Курама маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ ишчилардан шикоят хати келди.

«Бизлар ҳам ўрта мактабни тавомлаганимиздан буюн, шу ҳўжалик далаларида қолқозиб бўлиб қолган. Сизларга айтмоқчи бўлган арзимиз шуки, оиламиз билан ишлаган охириги бир йиллик иш ҳақимиз 80-90 (сақсон, тўқсон) минг сўмни ташкил этади. Лекин, бизлар иш ҳақимиздан бир сўм ҳам ололмаямиз, - деб ёздади ишчи Салим Эшматов. - ...Масалан, мен оилам билан қолқоз даламизда меҳнат қилиб келамиз. 1998 йил учун 70 (етмиш) минг сўм иш ҳақимиз қолқоз ҳисобида турбиди.

Турмуш ўртоғим Сайёра Байқобилонанинг фарзандларимиз учун олган - қолқоз томонидан 1996 йилдан бошлаб тўлаб келинаётган ва келинган ёрдам пули 12 (ўн икки) минг сўмни ташкил этади.

Юқори ташкилотларга мурожаат этилавериб, охириги бир миллион икки юз минг сўм ёрдам пулидан ҳозирга қадар олти юз минг сўмигина тўланади, холос.

«Хўжайпоқ» жамоа ҳўжалиги бошқаруви 1996 йилда берилмади қолган 16 ёшгача бўлган болалар ёрдам пулини 1998 йил 1-2 чораги мобайнида тўлашни ўз зиммасига олган эди. Мана, 1999 йил ҳам охираб қолдики, ваъдага вафодан ҳамон дарак йўқ. Болалар ҳақида хиёнат

мурожаат қилган.

Бу шикоятлар Сурхондарё вилояти бўйича махсус муҳбиримиз Курбонали Жўраназаровга журналист текшируви ўтказиш учун юборилди. Муҳбиримиз шикоятлар асосида журналист текшируви олиб бориб, уларда келтирилган фактларнинг айнаи ҳақиқат эканлигини билдирди.

Биринчи шикоят асосидаги текширув натижалари:

«...Текшириш даврида ҳақиқатан ҳам Олтинсой туманидаги «Хўжайпоқ» жамоа ҳўжалиги қолқозчиларнинг иш ҳақидан катта миқдорда қарздор эканлиги аниқланди. Жорий йилнинг (1999 й.) 11 октябр ойи ҳолатида бу рақам 14 миллион 809 минг (4) сўмни ташкил этган. Айниқса, икки ёшгача бўлган болаларига қараётган оналарга йиллаб ёрдам пули тўланаётгани аниқларидир.

Ҳўжалик жумладан, ариза муаллифлари Салим Эшматов ва унинг оила аъзолари Фулом Эшматов, Икром Эшматов, Сайёра Байқобилондан жами 50 минг 506 сўм қарздор. Фақат Икром Эшматовнинг ўзидангина бўлган қарз миқдори 20 минг 342 сўмга етган. Унинг, хатто ўтган йилги маоши ҳам тўлиқ берилмаган».

Иккинчи текширув натижаларида:

«Ҳўжалик Эшболта Ражабов ва унинг оила аъзоларидан ҳам 44 минг 833 сўм қарздор. Хусусан, Саодат Жўраевага ёш боласига қараб турганлиги учун 1998-1999 йиллар мо-

га жавобан ҳўжалик бош иқтисодчиси А.Худойқуловнинг билдиришича, айнан ҳўжаликнинг 3-бригадаси билан 1999 йил 30 апрелда 21-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра худудда помидор маҳсулоти етиштириш режалаштирилган. Етиштириладиган ҳосил 3,6 тоннани ташкил этиши керак бўлган. Аммо, режадагидан 1,284 тонна кам ҳосил етиштирилгани ҳамда ҳар бир килограмм помидорнинг сотилиш баҳоси 20 сўмдан қилиб белгилангани боис 25680 сўмни ташкил этади. Шу сабабли 1999 йил октябр ойи ҳолатига қўра Э.Ражабов оила-сининг 44833 сўм иш ҳақи тўланмай келинапти.

Шунингдек, жамоа ҳўжалиги раиси А.Чориев ва бош ҳисобчиси Э.Абраев ҳўжаликнинг ташкилотлардан дебитор ва кредитор қарзлари ҳамда ишчиларнинг иш ҳақидан бўлган қарзи илб бошига нисбатан анча камайганлигини, аҳвол анча яхшиланганлигини ҳам айтиб ўтадилар.

Биз 2000 йилда «Хўжайпоқ» жамоа ҳўжалигида унганлими сари тўб бурилиш юз беришига умид билдирик, мутасаддиларга фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш уларнинг қонуний бурчи эканлигини эслатиб қўймоқчимиз. Шунанмики, ҳўжайпоқликлар бундан тўғри хулоса чиқариб, фуқароларнинг ҳақли талабларини қонди-
ратдилар.

Хатлар ва шикоятлар бўлими

СУҲБАТ

ҚОНУНЛАР УСТИВОРИЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ПойДЕВОРИ

Жамиятимизнинг барча қатламларини қамраб олаётган ислохотлар жараёни амалда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Айни пайтда ушбу жараёнинг тўлақонли кечиши қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқий пойдеворнинг ҳар томонлама такомиллаштирилишига боғлиқ, албатта. Муҳбиримизнинг юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Миллий Университети ҳуқуқшунослик факултети декани, Тошкент юридик коллежи директори Миршоҳид Мирҳамидов билан суҳбатда ҳам айнан шу масалалар хусусида сўз юритилади.



— **Миршоҳид Мирҳамидович, маърузи, бозор иқтисодиётининг мавжуд шарт-шароитлари, аввало қонун устуворлигининг таъминлишига боғлиқ. Ушбу омилни эътиборга олган ҳолда тараққиётнинг янада юксалишида яна нималарга эътибор қаратишни лозим, деб ҳисоблайсиз?**

— Мустақилликнинг илк давридан то ҳозирги кунга қадар жадал равишда шаклланаётган қонун чиқарувчи ҳокимиятимизнинг бутун фаолияти мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлатчилик асосларини вужудга келтиришга, конституциявий тузумни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ислохотларнинг самарали ва рабон кечиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилмоқда. Бу борада оқилона, собитқадамлик билан иш юритиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг тезроқ соғломлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини тўла қарор топтириш бўйича зарур қонунлар мажмуини изчи равишда яратиб борилиши талаб қилинмоқда. Айниқса, ҳозирги пайтда, биринчидан, соқли сийосатини замонга мувофиқлаштириш ниятида долзарб масалалар. Иккинчидан, ривожланишининг кучли омилларидан бири — инвестицияларни жалб қилиш янада оқилона ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлиши аҳолининг маблағларини аккумуляция қилишга, яъни — ҳам фуқароларга, ҳам давлатга фойда келтирадиган тарзда мақсадли йўналишлар учун сарфлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Бинобарин, ушбу йўналишлар бўйича ҳуқуқий база яратилиши ва замон талабларига узвий равишда такомиллаштириб борилиши тараққиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

— **Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айнаи кундаги долзарб ҳуқуқий жиҳатлари нималардан иборат?**

— Кейинги йилларда эришилган ютуқлардан кўриниб турибдики, ҳозирда санаотда ҳам, кишлоқ ҳўжалигида ҳам ижобий силжишлар юз берди. Масалан, кишлоқ ҳўжалигини олиб қурайлик. Ўтган йил галла тайёрлаш режаси бажарилди, пахта тайириши бўйича ҳам белгиланган марраларга эришилди. Шу билан бирга муваффақиятлар янада салмоқли бўлиши учун қонун ва ижро масаласида эътиборни қучайтириш зарурлиги аён бўлмоқда.

Шу пайтга қадар кишлоқ ҳўжалиги бевосита алоқадор бешта қонун қабул қилинган. Лекин Ер кодекси, кишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат) ҳўжалиги, Фермер ҳўжалиги, Деҳқон ҳўжалиги, Ер кадастри ҳақидаги қонунлар амалда тўла-тўқис бажарилаётгани йўқ. Ҳолбуки, уларнинг амалиётда ҳаққоний ва тўғри бажарилиши кишлоқ ҳўжалигининг янада ривожланиши учун кунга йўллар оча-

ди. Зеро, кишлоқда янги ижтимоий муносабатлар вужудга келмоқдаки, Буларни ҳуқуқий тартибга солиш Олий Мажлисининг биринчи галдаги вазифасидир.

— **Ислохотларнинг самарали бўлиши хусусийлаштириш жараёнига ҳам боғлиқ...**

— Босқичма-босқич амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни ҳозирда ўта масъулиятли паллага кирди. Иккинчи босқичга готда жиддий ёндашиб, «етти ўлчаб, бир кес» қабилида иш тутилиши мақсадага мувофиқ. Хусусийлаштириш, аввало харидорлар мавжудлигини тақозо этади. Шу билан бирга, қорхоналар ҳам харидорлар, илғор талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулот чиқаришга қодир бўлиши ва улар амалда ишни ривожлантира оладиган ҳақиқий эгаларига берилиши керак. Бу борада чет эл инвесторларини жалб этиш, ички конвертация масаласини ҳал этиш каби йўналишлардаги ишларни янада қучайтириш, тегишли жиҳатлар бўйича қонуний, ҳуқуқий асосларни шакллантириш улкан аҳамиятга эга, албатта.

— **Бозор иқтисодиёти шароитида Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига янги қатнаш эътибор қаратилмоқда...**

— Юртимизда амалга оширилаётган туб янгиланишлар жараёнларининг устивор йўналишлардан бири — аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш сийосатида муҳим ўзгариш юз берди. Мустақилликимизнинг илк босқичида қўрилган аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тамойилларидан ишончли қафолатлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтildi.

Ҳозирда даставвал ижтимоий ҳимояни аниқ, мақсадли тарзда ташкил этиш, энг муҳтоб, номдор, мадда-талаб табақаларга қаратиш Олий Мажлис олдидаги муҳим масала ва бу ўз навбатида ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш, янги, давр талабларига мувофиқ қеладиган қонунлар қабул қилиш каби вазифаларни юзга келтирди.

— **Сиз кўп йиллардан буюн юридик соҳада, ҳуқуқ шуқушунос кадрлар тайёрлаш таълими тизимида фаолият кўрсатиб келмоқдасиз. 1995 йилдан бери эса Тошкент юридик коллежида раҳбарсиз. Суҳбатимиз сўнида маъруз қўув дароҳи олдига тузган вазифалар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Коллежимиз ташкил этилганга йитирма икки йил бўлди. Ҳозирда ҳуқуқшунослик, иш юритиш ва архи-вариус, ДАН маъмурий-ҳуқуқий фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш иқтисодиклари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Зеро, мустақил давлатимиз учун қўллаб маалакли ҳуқуқшунос кадрлар керак ва бу эҳтиёж йилдан-йилга қучаймоқда. Жамиятимизнинг демократлаштириш, фуқароларнинг конституциявий эркинлиги ва ҳуқуқни таъминлаш, суд ҳокимиятини ислох қилиш, ҳуқуқни муҳофаза этишчи турли институтлар фаолиятини яхшилаш, ўз-ўзини бошқарув идораларининг аҳамиятини ошириш каби долзарб масалаларни ҳал этиш учун ҳам билимдон, кенг савияли кадрлар ниятида зарур. Коллежимизда бўлгуси авлод вақил-ларининг барқамол инсон сифатида вояга етишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд.

МАДАДАТГААБ МАКТУБ

ЎЗ ВАЗИФАМНИ БАЖАРГАНИМ УЧУН

Мен, Амурдарё тумани БТИ бошлиги бўлиб ишлар эдим. 1995 йил 13 апрел кўни туман марказий касалхонаси бош шифокори ёрдамчиси Сабиков Қодир менга телефон орқали қўнғироқ қилиб, шифохонга қарашли бўлган тиш қўйиш ва «Тез ёрдам» бўлимлари жойлашган бинони техник инвентаризация қилиб беришни сўради. Мен шу кўни шартнома тасдиқлаб, техник Маҳмудов Ширин билан Сабиковнинг олдига шартномага қўл қўйиб, муҳр бостириб келиш учун бордик ва бир вақтинчидан «Тез ёрдам» жойлашган бинони ўлчаб кетдик. Орадан бир неча кун ўтгач, Қ.Сабиков шартнома тайёр бўлганлиги ҳақида телефон қилди. Шунга қадар бинонинг техник инвентаризация ҳужжати ҳам тайёр бўлган эди. БТИ ҳўжалиги ҳисобида бўлгани учун шифохона ҳисобидан БТИ томонидан тайёрланган ҳужжатга 1982 сўм ўтказиб олинди.

Бир неча кун ўтгач, бу бинода жойлашган тиш қўйиш бўлими хусусийлаштирилиб, «Дурдона» кичик қорхонаси очилди. Бу бинодаги тиш қўйиш бўлими қандай хусусийлаштирилди, қил томонидан, менинг ҳеч қандай хабарим йўқ. Кейинчалик билам тиш қўйиш кичик қорхонаси бошлиги Юлдашев Зулфайдо шу бинодаги «Тез ёрдам» жойлашган хоналарни ҳам менга тегишли деб сўзла мурожаат этиб юрган экан. Охирида Ташхотиш ИНБ аришуруви билан «Тез ёрдам» бўлими ўз ўрнида қўйилди.

Мен Ташхотиш ИНБ терговчиси икки марта зувоз сифатида қақриб, сен инвентаризация қилмасдан олдин қатнаш қозғи олмансан, деб айб қўйдим.

Мен шартнома тузилганидан кейин қатнаш қозғи

шарт эмас деб ўйлаган эдим.

Сўйра терговчи Салиев Мирзомурот мени бу иш ҳал бўлгунча вақтинчалик бошлиқ лавозимдан бўшаб турасан деб, 1998 йил 13 август кўни бошқармага хат билан мурожаат қилди. Олдинги бошқарма бошлиги Оғарбой Жўмамуратов мени хат билан таништирди. Мен қориданга оққан айтиб берганида, у сўд қарори чиқмагунча бўшабмаслигини айтибди. Шундан кейин 1998 йил сентябрда О.Жўмамуратов бошқа ишга ўтиб кетди. Бошқармага янги бошлиқ К.Маликов тайинланди. Маликов мени қақриб, олдинги хат билан яна таништириб, ишдан вақтинча овоз этилсин, деб 1998 йил 27 октябрда 40-сонли бўйрўқ чиқарди.

1999 йил 9 июн кўни Тошкентдан Ўзбекистон Республикаси КТИБ бошқармаси бошлиги Юнусов Нукусга, бошқармага келганда мен юқориданги сабабга кўра ишдан вақтинчалик овоз этилганини айтганимда, Юнусов Ташхотиш ИНБдан ёзма хат олиб келиб беришмни айтиб, бир ой мuddат бериб кетди. Мен Нукус қоммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига шу хатни олиб бориб бердим, лекин натижаси бўлмади. Бошлигимиз К.Маликовга ишга тушишим ҳақида мурожаат қилдим. У ишга оломаслигини айтиди.

Мен ҳозир 47 ёшданам, оиламда 5 та болан ва қўзи ожиз қари онам бор. Мена шунларни ҳисобга олган ҳолда қонун бўйича ўз вазифамга тиклангунга ёрдам беришингизни сўрайман.

**Озод АЛЛАЯРОВ,
Амурдарё тумани,
Мангит шаҳри**

**Д.ИСЛОМОВ
суҳбатлашди**

Табриклар

Хурматли Нодира келиноҳи!
Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаб, узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларингиз камолини кўришингизни тилайман. Бахт ва ҳаётнинг ширин дамлари Сизга мударом ёр бўлсин.

Оила-аъзоларимиз номидан қайнуқангиз Нуриддин

0

Бувижонамиз Хурихон ая!

Сизни муборак 70 ёшингиз билан чин юракдан табриқлаймиз. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларингиз, набираларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлиб, 100 ёшдан ошиб юришингизни тилаб қолашим.

Неварангиз Нигора ва Улугбек

0

Азиз дугонам Нажибахон!

Таваллуд кунинг муборак бўлсин. Келажакнинг порлоқ, йўлларинг нузли, бахтинг тўқис бўлишини тилаб дугонанг

Наврўза

0

Хурматли Абдуҳомит Нуриддинович!

Сизни Тошкент вилояти ИИБ ЕСБ ходимлари номидан таваллуд топган кунингиз билан табриқлаймиз. Сизга узоқ-умр, бахт-саодат, келгуси ишларингизда ривож тилаймиз.

Ҳамкасбларингиз

0

Отажонимиз Мадинахон!

Сизни 23 ёшни қаршилаётганингиз билан самимий кутлаймиз. Энг эзгу тилаклар ила

Гулноза, Гулруҳ ва Рустам, Бухоро вилояти

0

Хурматли онажоним Мақсадов!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлик, ҳаётингизда бахт, узоқ-умр тилаб ва Оллоҳнинг ўзи сизга, барча қилган ниятларингиз амалга ошишини насиб этсин.

Онажон, отамнинг ва бизнинг бахтимизга доимо соғ-саломат бўлиб узоқ-умр кўринг.

Умирзоков Музаффар

0

Хурматли Рустам Султонов!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриқлаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, солиқ қонунчилигини таъминлашдек маъсулиятли ва шарофли ишингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Хозорасп туман ДСИ ходимлари

0

Синглим Дилфузахон!

9 феврал — туғилган кунинг билан табриқлайман. Сенга бахт ва омад ёр бўлсин. Доимо соғ-саломат бўл.

Севимли аканг

Орифжон Бобоев

0

Ойшожонимиз Маҳкаммава Карима!

Сизни туғилган кунингиз билан кутлаймиз.

Саиднаби, Замира, Ақром, Назоқат, Сардор

0

Қадрли ойнажонимиз Муҳаддасхон!

Сизни таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Эл соғлигини асрашдек маъсулиятли ва шарофли ишингизда доимо омад ёр бўлсин. Бизнинг бахтимизга доимо ҳозир-гидек очилиб, гўзал бўлиб юринг.

Фарзандларингиз: Шерзодбек, Бекзодбек, Дилбарой ҳамда турмуш ўртоғингиз Баҳромжон

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ

РЭМБОНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ...



Николас Кейж мухлисларига («Қоя», «Лас-Вегасдан чиқиб кетаётган») ўз кумири билан фахрланишлари учун яна бир вақт топилди. Бодибилдингчиларнинг «Флэкс» журнали «Голливуднинг энг катта мускулли актёри» деб номланадиган фахрли номини унга топширди. Бунда таниқли актёрнинг билак мускуллари эмас балки у уйнаган фильмларда кўрсатган қаҳрамонлик асос қилиб олинган. У «Улим ўличи» фильмида уйнаш учун спортнинг бодибилдинг тури билан астойдил шуғулланган, кейин «Самодаги қамок» фильмида эса ҳақиқий бодибилдингчи образини яратган. Айнан шу билан у «Флэкс» журналининг эътиборини тортган.

Ўттиз олти ёшли актёрнинг айтишича, ҳафтасига 5 марта спорт залига бораркан. «Бу менга кундалик муаммолардан қутулишга, мийми дам олдиришга ва ҳар хил ноҳуш воқеаларни эсдан чиқаришга ёрдам беради», — дейди Кейж.

Кейдан ташқари Голливуднинг «бақувват йигитлар» рўйхатидан Уэсли Спайс, Курт Рассел, Бред Питт, Дензел Вашингтон ва Дэниел Дей — Люислар ҳам жой олган. «Рэмбо» ва «Терминатор» ҳақида ҳеч нима дейилмаган ҳам.

ҲААТИ ТАЖРИБА

ҲАЁЛИЙ ҚАМОҚ

Бу қамоқхона ҳеч қандай деворга ва симли тўсиқларга эга эмас. Унга маҳкум этилган уйда яшаб, 2 соат йўлга ва 8 соат эркин юришни чиқариб ташлаганда қолган вақтда ҳеч қарга чиқмаслиги лозим. У ҳар доим назорат остида бўлади, чунки унинг қўлидаги соат браслетига ўхшаш мослама қамоқхонага доимий равишда қаерда юрганиги ҳақида маълумот бериб туради. Келаси йили Белгияда ташкил этиладиган «Ҳаёлий қамок» ҳақида одам ўлдирганлар, ўғирлар, наркотик билан савдо қилганлар, токсикоманлар албатта оруз қилмасалар ҳам бўлади.

Бундай қамок амалда Брюсселнинг «Сенжил» қамоқхонасининг 24 та маҳбуси билан синаб кўрилди. Улардан фақат биттаси тартибни бузганлиги учун камерага қайтарилган. Белгиянинг бошқа қамоқхоналарида маҳбуслар ўртасида Брюсселнинг «Сен Жил» қамоқхонасига ўтиш учун «конкурс» бошланиб кетган. Улар, агар шу браслетни ишониб топширсалар қамоқхонани алдамасликка ваъда бермоқдалар.

СПОРТ

ХАРИДОР — «ВАСКО ДЕ ГАМА»

1995-1999 йиллари «Фламенго» клубида тўп суриб, жами 240 та ўйин ўтказган Ромарио жамоа раҳбарлари ва мухлислари қалбидан жой топа олди. Шу даврда у 204 мартаба рақиблар дарвозасини ишғол этди. Клуб президенти Силванинг айтишича, унинг ҳар бир урган тўли учун 50 миң доллар пул тўланган. Ҳаммаси бўлиб клуб учун бу тўплар 10 миллион долларга тушган. Бироқ эндиликда 50 миң ҳам Ромарионинг қониктирмай қолган кўринади. Сабаби, у «Васко де Гама» клубига ўтишини маълум қилди. Ҳайтовур, ушбу клуб Ромарионинг иқтидорини «Фламенго»га нисбатан юқори баҳолаганга ўхшайди.

КУАГИ БЕКАТИ

Икки оғайни овчилар сўхбатлашмоқда:
— Биласанми, яқинда Африкада бўлдим ва йўлбарс овлашнинг антиқа усулини топдим.
— Қандай?
— Жуда оддий. Фақат кечкурун ов қилиш керак. Сабаби кечаси йўлбарсларнинг кўзи ёниб туради. Икки кўзининг ўртасини мўлжаллаб отсанг бўлгани.
— Хўш, сен нечасини отдинг?
— Э, бирорта ҳам отолмадим. Сабаби улар жуфт—жуфт бўлиб юрадиган, бунинг устига бир кўзини қисиб оладиган бўлишди, аблаҳлар.

— Кўш хотинлик қандай жазоланади?
— Кўш қайнона билан.

Машҳур экстрасенс олдиға аёл киши келиб унга бир эркак суратини кўрсатиб, дейди:

— Маня шу киши менга уйланмоқчи. Итилмос, у ким, қандай ишда ишлайди ва қанча топишини айтиб беринг.
— Ҳм, суратга қараб аниқ айта оламани, бу одам ёлланма котил.
— Ох, раҳмат сизга! Ўртоқларим бўлса уни ҳадеб инженер, инженер, деб бошимни қотиришаётгани.

СОВРИНАИ КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6	7	
		8					
9	10		11		12	13	14
			15				
16				17			
			18				
19	20			21	22		23
				ютуқ			
24				2000		25	
				сўм			
26	27		28	32	33		31
				36			
34						35	
				37	38		40
41				42			43
44			45	46		47	48
49					50		

Энига: 1. Илм-фан, санъат ва маданиятни тарғиб қилувчи халқро ташкилот. 5. Республикалардаги сиёсий партиялардан бири. 8. Жума кун. 9. Бошлиқ, йўлбошловчи. 12. Африкада яшовчи ғалати қуш. 15. Марказий Осиёда яшаган қадимий қабил. 16. Макка шаҳри теварағидаги тоғ. 17. Африкадаги давлат. 18. Илоҳий аҳдат. 19. Бошлиқ. 21. Насл-насаб, сулола. 24. Дунё томонларидан бири. 25. Мўқимий танқид қилган «техника». 26. Кўришиш, шамойил. 29. АҚШдаги штат. 32. Замонавий мусикий йўналишлардан бири. 34. Ҳолливуд кино юлдузи (исми). 35. Йил ойларидан бири. 36. Араб алифбосидаги ҳарф. 37. Қадимги Рим парламенти. 39. Мева ёки сабзавотлардан тайёрланадиган доривор. 42. Шахмат донаси. 44. Кўрьон суралари таркибий қисми. 45. Арабларнинг қадимий оғирлик ўлчов бирлиги. 47. Арқоннинг «боласи». 48. Араб имлосидаги тиниш белги. 49. Ўрта асрларда хизматлари эвазига эҳсон қилинган ер эгаси(Шарқда). 50. Бухоро вилоятидаги туман.

Бўйига: 1.Балиқ ичидан омон чиққан пайгамбар. 2.Тарихда Оврўпа насронийларининг Шарққа қилган юришлари. 3.Атмосферанинг юқори қатлами. 4.Осиёдаги давлат. 5.«Араб бўлмаган халқлар» маъносини билдирувчи тарихий атама. 6.Жабр, қайғу. 7.Қатагон, маън этиш. 10.Ҳижрий-қамарий тақвим ойларидан бири. 11.Жанг, уруш. 13.Қиз болалар исми. 14.Иморатга ишлатиладиган ёғоч. 19.Тўғри йўлга бошловчи. 20.Бирор хатти-ҳаракатни бажаришга бўлган онгли интилиш. 22.Ўри, хизматкор аёл. 23.Сахро калтакасаги. 27.Пайгамбарлардан бири. 28.Йиртқич ҳайвон. 30.Қадимги юнон файласуфи, Демокритнинг замондоши. 31.Қашқадарё вилоятидаги туман. 33.Алхимиклар қидирган «сеҳрли тош». 38.Кулпунайнинг яна бир номи. 40.Бақувватнинг антоними. 41.Ит зоти. 43. Денгиз номини олган Осиёдаги қўл. 46.Безаниш, ясаниш. 47.Уялиш, тортиниш.

Тузувчи: Х.НОМОЗОВ

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 1.Сурхондарё. 2.Гимнастика. 11.Андарқуса. 12.«Ротор». 13.Уламо. 15.Диана. 18.Олма. 20.Жазо. 21.Қалб. 22.Вара. 23.Биродар. 24.«Диadora». 29.Ел. 30.«Нопа». 31.Июн. 32.Ка. 35.Ребус. 39.Крoват. 42.Ўт. 43.Ғалатлик. 44.Елпиштовок. 45.Карикатура.
Бўйига: 1.Сурхорол. 2.Рустам. 3.Опера. 4.Алла. 6.Мусо. 7.Совун. 8.Исофара. 9.Автомат. 10.Арпа. 14.Нафасов. 15.Дор. 16.Ақл. 17.Илтимос. 19.Ақрим. 22.«Виола». 25.«Нескафе». 26.Кар. 27.Мис. 28.Кармана. 33.Қорус. 40.Сара. 41.Икар.

Ўтган сонда эълон қилинган кроссворд натижалари бўйича ютуқни Илҳом Зойир қўлга киритди.

Сиз кўйидаги купонни тўлашиб, қирқилган ҳолда тахририятимизга йўлласангиз, кифоя. Табрик, кутловлар ва олди-сонди ёки бошқа турдаги эълонингиз газетамизда чоп этилади.
Эслатма: № белгиси кўйилган жойни очиқ қолдириң.

БЕЎЎЛ ЭЪЛОНЛАР КУПОНИ		№
МАТН	_____	
ИСОМИ ШАРИҚИЯТИ	_____	
МАНСИЛ	_____	
МАТН ҲАҚИМИ 30 СЎЗДАН ОШМАСЛИГИ ЛОЗИМ. КУПОН ФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.		